



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 7 январь, № 4 (6439)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КЎЗИМ ҚАРОФИДАСАН, ВАТАН!



Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида қайд этилганидек, 2015 йил мобайнида мамлакатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, жаҳон майдонида Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш йўлида янги-янги марралар забт этилди. Буни қишлоқ хўжалиги, аҳоли реал даромадлари ҳамда фуқароларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини ошириш борасида қўлга киритилган натижалар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Табиийки, бундай муваффақиятларга эришишда Ватанимиз сарҳадларини туну кун сергаклик билан кўриқлаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара кўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, дунёдаги энг улуг неъмат — тинчлик ва осойишталик боис ана шундай янги марраларни эгаллаяпмиз, фаровон ҳаёт кечираяпмиз.

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Ҳақиқатан ҳам, миллий армиямизни такомиллаштириш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишимизда ўз самарасини бермоқда. Утган йиллар давомида юртимизда

жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган, замонавий қурол-яроғ, техника ва етук ҳарбий мутахассисларга эга профессионал қуролли кучларимиз шаклланди. Айни чоғда кўшинлар сифат таркиби янгилашиб, улар сафларини тўлдирish тартиби такомиллаштирилди. Тизимда миллий қадрият ва аъёнларимизга хос соғлом маънавий муҳит яратилгани

ҳарбий хизматга ёндашувни тубдан ўзгартирди. Умуман, миллий армиямиз сафларида фарзандларимизнинг садокат ва фидойилик билан хизмат қилиши учун барча шарт-шароит яратилди. Хусусан, МХХ Чегара кўшинлари ҳарбий хизматчиларига жорий этилган қулайликлар собиқ тузум давридагидан тубдан фарқ қилади. Шинам,

озода ошхона ва ётоқхона, кутубхона, спорт зали ҳамда майдончалар ҳавас қилгулик даражада. Ўқув-машғулот хоналари замонавий компьютер ва бошқа кўргазмали қуроллар билан ҳам жиҳозланган. Қолаверса, ҳарбийларимиз тураржой билан ҳам таъминланмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида кўплаб чегарачилар ўз уйига эга бўлди.

Президентимизнинг 2007 йил 14 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори бўй борада дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

(Давоми 4-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН



Маълумки, юқори сифатли ўзбек пахтаси жаҳон бозорида ўзининг мустақил ўрнига эга. Ўзбекистонда пахтачиликни ва қайта ишлаш саноатини янада ривожлантириш, тола сифатини ошириш бўйича изчил чоратadbирлар бажарилаётгани натижасида маҳсулотнинг чет эллик харидорлари сони тобора кўпайиб бормоқда.

«The Seoul Times»:

«Жаҳон бозорида ўзбек пахтасига талаб ошмоқда»

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги кўргазма ва бошқа тадбирларда мунтазам иштирок этаётгани дунё ишбилармонлар ҳамжамиятини мамлакатимизнинг пахтачилик жабҳасидаги салоҳияти билан таништиришга хизмат қилаётди. Масалан, 2015 йил декабрь ойида Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида бўлиб ўтган Пахта бўйича халқаро консултатив кўмитанинг 74-ялми мажлисида ҳам Ўзбекистон делегацияси фаол қатнашди. Бу воқеа дунё оммавий аҳборот воситаларида ҳам ўзининг акс садосини берди.

Масалан, Жанубий Кореянинг «The Seoul Times» нашрида хабар берилишича, мазкур кўмига аъзо мамлакатлар ҳамда ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар вакиллари билан иборат тадбир иштирокчилари Ўзбекистоннинг изчил ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, миллий иқтисодиёт ўсиши юқори суръатлари ҳамда уни диверсификациялаш бўйича қўлга киритилган натижалар билан яқиндан танишди.

«The Seoul Times»да ёзилишича, халқаро ишбилармонлар ҳамжамияти Ўзбекистоннинг пахтачилик саноатида амалга оширилаётган тизимли ўзгаришларни ижобий баҳолади. Мақолада қайд этилганидек, ушбу йўналишдаги ўзгаришларнинг натижаси Ўзбекистон пахта толасининг жаҳон бозоридagi ўрни ва рақобатдошлиги ортишида яққол намоён бўлмоқда. Тола ишлаб чиқаришнинг барқарор суръатлари кузатилаётгани баробарида, мамлакат тўқимачилик қорхоналарида уни қайта ишлаш ҳажми ҳам ортиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ветеринария фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди

Мамлакатимизда барча жабҳада, хусусан, ветеринария хизматини ривожлантириш, аҳолини ҳайвонлар ва одам учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш бўйича кенг қўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, республика ҳудудини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоялаш, бошқача айтганда, ветеринария осойишталигини таъминлаш энг муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу муносабатларни тартибга солиш мақсадида яқинда қабул қилинган ва кучга кирган янги тахрирдаги «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борадаги ишларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосидир. Бу ҳақда парламент аъзолари ва экспертлар фикрлари билан қизиқдик.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси раиси: — Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг эски тахрирдаги «Ветеринария тўғрисида»ги Қону-

ни мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида қабул қилинган эди. Унинг нормаларини кўмитамиз томонидан инвентаризация қилиш жараёнида аниқланган айрим камчиликлар, қайд этиш жоизки, Қонунни янги тахрирда

тайёрлашда қўл келди. Шу билан бир қаторда, унда ветеринария осойишталигини таъминлашга йўналтирилган ўндан ортиқ янги моддалар киритилди. Утган давр мобайнида соҳага оид қабул қилинган 33 та қонунони ҳуж-

жати ўрганилиб, улардаги аксарият нормалар Қонунга сингдирилгани эътиборли жиҳатлардан бири бўлди. Бу эса Қонун нормаларининг амалиётда тўғридан-тўғри ишлашига имкон яратади.

(Давоми 2-бетда).

«Хосиятли ва файзли йил бўлди»

Эзгу ният орзулар рўёбига йўл очади. Мақсад қатъий бўлса, кўзланган марралар янада яқинлашади. Шу боис ҳар гал янги йил байрамини хайрли ниятлар билан қарши оламиз. Бир-биримизни эзгу тилаклар ила қутлаймиз. Айниқса, 2016 йил остонасида Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табриги барча юртдошимизга қалбига ўзгача кўтаринкилик, қувонч бахш этди. Ана шу онларда ҳар ким ортда қолган йилда эришган ютуқ ва муваффақиятларини, шу билан бирга, Соғлом она ва бола йилидаги режаларини бир-бир кўз ўнгидан ўтказган бўлса, ажаб эмас. Буни айём шуқуқи кезиб юрган айни қунларда юртдошларимиздан тахририятимизга келаётган қил сўзлари ҳам тасдиқлайди.

СУРУР

Шухрат ОКҚИЕВ, Олот туманидаги «Жумагелди» фермер хўжалиги раҳбари: — Президентимизнинг Янги йил табригини диққат билан тингладик. Унда йил давомида халқимиз босиб ўтган йўл, эришилган ютуқларга баҳо берилар экан, 2015 йил барчамиз учун ҳар томонлама хо-

сиятли ва файзли бўлгани қайд этилди.

Чиндан ҳам, Кексаларни эъзозлаш йилининг баракаси ҳар бир ҳамюртимиз ҳаётида акс этгани, шубҳасиз. Янада фаровонлик сари дадил қадамлар қўйдик. Бунга меҳнат жамоамиз ҳаётидан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хусусан, галладан ўртача 78 центнердан ҳосил этиштирдик. Бу туманда энг юқори кўрсаткич саналади. Давлатга 213 тонна пахта сотдик. Икки гектар

майдондаги интенсив боғимиз ҳам ҳосилга кирди. Ун тонна олма олдик. Энг қувончлиси, Президентимизнинг Ўзбекистон деҳқон ва фермерлари, барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномасида мамлакатимиз илғорлари қаторида хўжалигимиз номи ҳам эътироф этилди. Бу кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.

2016 йилдан ҳам унимизимиз катта. Энг аввало, ердан ямадида самарали фойдаланган ҳолда галла, пахта ҳосилдорлигини ошириб, юз тонна мевани сақлаш имконига эга совуқчилик омборхона барпо этмоқчимиз. Шунингдек, даромадимиз ҳисобидан ҳудудимиздаги қишлоқ врачлик пункти ҳамда 27-умумтаълим мактабига ҳоймийлик ёрдами кўрсатишни мўлжаллаб турибмиз. Бу орқали фарзандларимиз камолотига ўз ҳиссамизни қўшиш — асосий мақсадимиз.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



Навбатдаги меҳнат ярмаркаси

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукусда навбатдаги меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик, прокуратураси, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган маз-

кур тадбирда 40 дан зиёд қорхона ва ташкилотлар 167 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Яқунда 138 киши бўлажак меҳнат жамоаси билан икки томонлама шартнома имзолади. Бир гуруҳ иштирокчиларга эса меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқий маслаҳат ҳамда тавсиялар берилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қирқ турдаги қандолат

Андижон

Янги йил байрами кунларида 40 турдаги ўзига хос ширинликлар андижонликлар дастурхонини безадди. Бу вилоят марказида очилган замонавий қандолат цехининг аҳолига туҳфаси бўлди. Ушбу эзгу ташаббус «Magnum-classic» масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан амалга оширилди. Шу тариқа Андижон шаҳрининг Бобур шоҳқўчасида икки қаватли «Magot» номи берилган мухташам бино мижозлар учун эшикларини очди. Ҳозир бу ердан олтинга пень, музлаткич камераси ҳамда бошқа замонавий дастгоҳлар ўрин олган. Ишга қабул қилинган 50 нафар ходимнинг аксарияти коллеж битирувчиларидир. Хатто улар орасида Италия ва Францияда малака ошириб қайтган мутахассислар ҳам бор. — Келгусида қандолатларимиз турини 150 тага етказмоқчимиз, — дейди лойиҳа ташаббускорларидан бири М. Умаров. — Қолаверса, нон маҳсулотлари цехини ҳам ишга тушириш ҳаракатидамиз. «Magot»нинг дастлабки ширинликлари вилоятдаги Саховат уйи ҳамда Болалар шаҳарчаси тарбияланувчиларига тортиқ этилди.

Саидахмад ШУКУРОВ.

Ҳунарманднинг замонавий мажмуаси

Бухоро

Когон шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллада замонавий ишлаб чиқариш ва машиий хизмат кўрсатиш мажмуи қурилиб, ишга туширилди. Ушбу кўркам маскан ҳунарманд аёл Нилуфар Абдуллаева савий-ҳаракати билан барпо этилди. Қўшқаватли мажмуада «Гўзаллик саломи», сартарошхона, тикувчилик ҳамда озиқ-овқат маҳсу-

лотлари ишлаб чиқариш цехлари фаолият кўрсата бошлади. Дарвоқе, қандолат цехи жамоаси томонидан аҳолининг янги йил дастурхонига мўлжаллаб тайёрлаган ширинликлари ўз харидорларини топди. Муҳими, ҳунарманднинг изланишлари самара бериб, маҳаллада истиқомат қилувчи 20 нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон неъматлари довруғи

Жиззах

Бахмал туманидаги «Бахмал экспорт» масъулияти чекланган жамияти ўтган йили фаолият бошлаган эди. Шунга қарамай, қорхона қисқа муддатда хорижлик харидорлар эътиборига тушиб улгурди. — Заминимизда этиштирилган табиий ва тотли нознеъматлар довруғи дунёга ёйилган, — дейди МЧЖ раҳбари Анвар Сафаров. — Шу боис уларга талабгорлар сафи тобора кенгайиб бораёпти. Ҳиндистоннинг «Megha future groks» фирмаси илк буюртмачимиз бўлди. Унга ҳозиргача 700 минг АҚШ долларлик маҳсулот етказиб бердик. Бунда туманимиздаги 100 дан ортиқ оилавий тадбиркорлар ҳамда 20 дан зиёд кичик бизнес субъектларининг кўмаги катта бўлди. Айни пайтда қорхона мутасаддилари Осиё ва Европанинг бошқа қатор давлатларида ҳам мамлакатимизда этиштирилган майиз, ерэнгоқ, ловия каби маҳсулотлар сотишни режалаштирмоқда.

Тождидин КАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Италиянинг "Ferrari" автомобилсозлик компанияси "Fiat Chrysler Automobiles" концерни таркибидан ажралиб чиқганини билдирди.



Акциялари нархи беқарор

Бундай қарор италян бренди ва русумнинг ноёблигини сақлаб қолиш билан изоҳланмоқда. Лекин компания қимматли қозғаларнинг асосий қисми "Fiat" акциядорларида қолади.

Манбага кўра, Милан биржасидаги дастлабки вазиятдан келиб чиқилса, ҳозирча мазкур ташаббус ўзини оқлагани йўқ. Чунки "Ferrari" акциялари нархи беқарор бўлиб турибди.

Кашфиётларга 115, 116, 117 ва 118-рақамлари берилди. Мазкур хабарни Назарий ва амалий кимё халқаро иттифоқи ҳам расман тасдиқлади. Мутахассисларнинг айтишича, янги унсурлар сунъий йўл билан синтез қилинган. Улар заррачаларни тезлаштирувчи ҳисобланади. Ҳозирча элементларга "унунпентий", "японий", "унунсептий" ва "унуноктий" ишчи номлари берилган. Расмий номлар беш ой ичида аниқ бўлади.

Тўртта элемент киритилди

Қамровини кенгайтирмоқчи

Франциянинг телекоммуникация соҳасидаги етакчи компаниялари яна бирлашиш ниятида, дейилади "Евроныйс" телеканали хабариди.

Гап шундаки, мамлакатдаги йирик алоқа оператори — "Orange" айни шу масалада "Voyngues Telecom" компанияси билан қайтадан музокара бошлаган. Унинг яқунлашиш муддати ва кўзда тутилган шартлар ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ. Агар икки томоннинг

фикри бир жойдан чиқса, Франциядаги мобиль ва стационар алоқаси бозорининг ярмидан кўпи мазкур брендлар назоратига ўтади. Лекин бу монополияга қарши кураш органлари эътирозига сабаб бўлиши, шуб-



ҳасиз. Чунки худди шу сабаб туфайли ўтган йили уларнинг бирлашиш бўйича ҳаракатлари яқунланмай қолиб кетганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ХАЛҚ БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

юрлик шахслар учун мўлжалланган қўйидаги янги депозит сертификатларини таклиф этади.

ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАР

қўйидаги шартлар асосида муомалага чиқарилган:

Сертификатларнинг номинал қиймати	50 (эллик) миллион сўм	
	100 (бир юз) миллион сўм	
	500 (беш юз) миллион сўм	
	1 (бир) миллиард сўм	
Чиқарилган ҳажми	100 (бир юз) миллиард сўм	
Муомала муддати ва йиллик устама фоиз микдори	181 кундан 365 кунгача	7,0 (етти) фоиз
	366 кундан 730 кунгача	8,0 (саккиз) фоиз
	731 кундан 1095 кунгача	9,0 (тўққиз) фоиз

✓ Депозит сертификатлар бўйича фоизлар ҳар ойнинг охири санасида ва депозит сертификатнинг қайтариш санасида тўлаб берилади.
✓ Жалб қилинган маблағларнинг қайтарилиши ва уларга ҳисобланган фоиз тўловларининг ўз вақтида амалга оширилиши кафолатланади.

Кўшимча маълумотларни қўйидаги телефонлар орқали олиш мумкин:
(0-371) 120-17-86, 120-17-87. Факс: (0-371) 120-17-87. www.xb.uz

Хизматлар лицензияланган.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» х/к ҳудудида жойлашган қўйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

- 19-сонли савдо дўкони.
- Бошланғич баҳоси — 33 862 478 сўм.
- 20-сонли савдо дўкони.
- Бошланғич баҳоси — 30 622 992 сўм.
- 27-сонли савдо дўкони.
- Бошланғич баҳоси — 29 755 790 сўм.
- 29-сонли савдо дўкони.
- Бошланғич баҳоси — 29 924 981 сўм.
- 31-сонли савдо дўкони.
- Бошланғич баҳоси — 34 115 359 сўм.
- 35-сонли савдо дўкони.
- Бошланғич баҳоси — 30 413 753 сўм.
- 38-сонли савдо дўкони.
- Бошланғич баҳоси — 30 478 070 сўм.
- 64-сонли савдо дўкони.
- Бошланғич баҳоси — 24 267 359 сўм.
- 65-сонли савдо дўкони.
- Бошланғич баҳоси — 24 178 100 сўм.
- 69-сонли савдо дўкони.
- Бошланғич баҳоси — 23 519 848 сўм.
- 46-сонли савдо дўкони.
- Бошланғич баҳоси — 191 684 535 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 26 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғич баҳоси бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тарзда ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universal bank» Тошкент шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258.

Хизматлар лицензияланган.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 26 декабрдаги № 249 (6432)-сонидида чоп этилган эълондаги «Аукцион савдосига Тошкент вилояти Қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885» маълумоти, деб ўқилсин.

Хизматлар лицензияланган.

«Realtor garant business» МЧЖ маъмурияти.

Товари сертифицированы, услуги лицензированы

Аккумуляторы BARS, производство — Казахстан

Тел. (+99895) 170-32-52. Факс (0-371) 250-07-40. E-mail: gruzshina@bk.ru WEB: gruzshina.uz

Товари сертифицированы, услуги лицензированы

ГРУЗОВЫЕ ШИНЫ ПО НИЗКИМ ЦЕНАМ

БЕСПЛАТНАЯ ЗАМЕНА ПО ГАРАНТИИ, ДОСТАВКА ПО ГОРОДУ ТАШКЕНТУ

Тел. (+99895) 170-32-52. Факс (0-371) 250-07-40. E-mail: gruzshina@bk.ru WEB: gruzshina.uz

«КО'П ТАРМОҚЛИ КО'СИМАС МУЛК САВДО» МЧЖ

маълум қиладики, «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 6 январдаги № 3 (6438)-сонидида чоп этилган эълондаги «Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 2 400 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчасидаги «Ёшлар маркази мажмуаси» биносининг аукцион савдоси 2016 йил 4 февраль куни соат 11.00 да ўтказилади» жумласи «Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 2 400 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчасидаги «Ёшлар маркази мажмуаси» биносининг аукцион савдоси 2016 йил 9 февраль куни соат 11.00 да ўтказилади», деб ўқилсин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: (0-371) 249-54-59.

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг «Соврин-2» номли АҚШ долларларидаги ютуқли омонати бўйича 2015 йил 17 декабрда бўлиб ўтган 13-ютуқлар тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ютуқлар қуйидаги ҳисобварақ рақамларига чиқди:

Т/р	Ютуқ микдори, фоизда	Ҳисоб-варақ рақами	Т/р	Ютуқ микдори, фоизда	Ҳисоб-варақ рақами	Т/р	Ютуқ микдори, фоизда	Ҳисоб-варақ рақами	Т/р	Ютуқ микдори, фоизда	Ҳисоб-варақ рақами
1.	2	2	51.	2	291	101.	3	527	151.	2	763
2.	5	4	52.	2	293	102.	2	528	152.	3	771
3.	5	5	53.	4	303	103.	8	529	153.	9	780
4.	3	7	54.	4	308	104.	5	530	154.	3	785
5.	2	9	55.	8	318	105.	6	531	155.	2	786
6.	3	14	56.	4	319	106.	5	532	156.	9	795
7.	3	16	57.	3	324	107.	6	539	157.	5	798
8.	2	22	58.	5	331	108.	3	545	158.	2	799
9.	4	24	59.	5	333	109.	3	551	159.	2	800
10.	3	30	60.	2	343	110.	9	559	160.	4	817
11.	8	33	61.	3	348	111.	2	564	161.	8	818
12.	3	41	62.	3	349	112.	3	567	162.	3	825
13.	2	49	63.	3	359	113.	2	572	163.	3	826
14.	3	55	64.	7	360	114.	2	574	164.	5	829
15.	2	68	65.	6	364	115.	3	583	165.	6	832
16.	2	73	66.	2	365	116.	5	585	166.	2	837
17.	4	80	67.	2	368	117.	7	594	167.	2	838
18.	2	81	68.	2	370	118.	3	599	168.	2	842
19.	4	84	69.	8	371	119.	3	600	169.	5	847
20.	4	110	70.	7	375	120.	3	604	170.	2	852
21.	5	114	71.	7	379	121.	3	606	171.	9	854
22.	2	115	72.	5	384	122.	5	607	172.	3	857
23.	7	117	73.	2	387	123.	2	610	173.	3	858
24.	2	126	74.	5	392	124.	6	612	174.	9	861
25.	4	137	75.	4	396	125.	5	617	175.	4	865
26.	9	145	76.	3	398	126.	3	619	176.	3	867
27.	5	158	77.	2	399	127.	3	636	177.	7	871
28.	3	160	78.	5	410	128.	3	643	178.	2	882
29.	5	170	79.	6	416	129.	5	644	179.	4	883
30.	2	173	80.	3	425	130.	4	657	180.	5	884
31.	5	191	81.	3	431	131.	2	664	181.	3	887
32.	2	198	82.	7	435	132.	2	668	182.	8	888
33.	6	200	83.	7	456	133.	4	670	183.	5	894
34.	4	204	84.	2	458	134.	7	684	184.	2	896
35.	4	221	85.	2	459	135.	2	685	185.	2	897
36.	4	222	86.	5	461	136.	2	694	186.	3	898
37.	9	223	87.	8	466	137.	7	700	187.	3	903
38.	2	236	88.	3	468	138.	2	702	188.	2	904
39.	6	239	89.	4	472	139.	3	703	189.	3	926
40.	4	243	90.	7	475	140.	5	714	190.	2	932
41.	3	254	91.	7	480	141.	6	719	191.	3	944
42.	4	255	92.	6	481	142.	5	722	192.	2	951
43.	3	258	93.	9	483	143.	5	734	193.	7	952
44.	9	260	94.	3	491	144.	4	739	194.	8	954
45.	3	261	95.	2	496	145.	3	749	195.	7	957
46.	6	273	96.	2	506	146.	6	750	196.	4	960
47.	2	286	97.	3	509	147.	3	751	197.	6	963
48.	2	287	98.	8	510	148.	4	754	198.	7	964
49.	3	288	99.	6	521	149.	4	759	199.	7	971
50.	3	289	100.	9	526	150.	4	762	200.	6	993

Изоҳ: Ютуқлар ушбу жадвалда фақатгина биринчи мингталик ютуқли ҳисоблар бўйича кўрсатилган. Агар ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сони мингдан ошди бўлса, унда кейинги минглик ҳисобварақларда ҳам худди шу сонлар ютуқли ҳисобланади, худди биринчи мингталикдагидек. Мисол учун, 2сн-2, 2сн-1002, 2сн-2002, 2сн-3002 ва х.к.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ филиаллари унинг ёрдамида ютуқлар микдорини ҳисоблаб чиқарилади ва белгиланган тартибда ютуқ эгаларига тўлайди.

Комиссия раиси, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бошқарув раиси ўринбосари О. П. Алмарданов
Масъул котиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Жамғарма операциялари бўлими бошлиғи Б. Чориев

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ» ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ

Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун

Курилиш техникаси
Махсус транспорт
Курилиш асбоблари
Кичик механизация воситалари
Технологик жиҳозлар

Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли равишда тежаш имкониятига эга бўласиз!

Лизинг шартлари ҳар бир мижоз учун алоҳида тарзда белгиланади.

2016 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

МАВЖУД ТЕХНИКА АНЖОМЛАР: Маҳсулотлар сертифициланган.

- «УТО С1402» РУСУМЛИ ЗАНЖИРЛИ ТРАКТОР;
- КОМПОЗИТ АРМАТУРА УЧУН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛИНИЯСИ

ШУНИНГДЕК, ҚУЙИДАГИ КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:

- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (РОССИЯ, ЎЗБЕКИСТОН);
- РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ РУСУМДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛГАЛАР;
- ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОНҚОРГИЧ.

«СБР-170А» Бетонқорғич «СБР 800» Бўёқчилик аппарати «АМ-01» Тош кесувчи ускуна «СК-350/600»

АРЗОН НАРХЛАРДА, ЧЕГИРМАЛИ САВДО-СОТИҚ

Тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-«А» уй.
www.qurilish-lizing.uz E-mail: kurilish2003@mail.ru

Т.: (0-371) 250-73-14, 250-51-04, (+99890) 958-61-61.
Факс: (0-371) 250-51-04.

«Ўзавтотўл» давлат-акциядорлик компанияси жамоаси Автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва тармоқни истиқболли ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Нуриддин Усмоновга онаси Шафрат Усмонованинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик университети жамоаси Тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи) кафедраси ўқитувчиси Азиза Ибрагимовага отаси Рўзбой ИБРАГИМОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқурилиш материаллари» акциядорлик компанияси жамоаси Иқтисодий таҳлил бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ўткир Турдиевга онаси КАРОМАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Гелиоқурилма ёрдам беради

● Тошкент вилояти

Олмалик шаҳридаги "Қалмоққир" руда бошқармасида ўрнатилган гелиоқурилма ёрдамида куёш нуридан электр энергияси олинмоқда. Эътиборли жиҳати, мазкур замонавий коллекторлар йилнинг тўрт фаслида, ҳарорат қандай бўлишидан қатъи назар, керакли қувват захирасини йиға олади. Умумий юза майдони 75 квадрат метрга тенг

30 та ана шундай қурилма орқали олинётган электр энергияси кўп миңг сонли жамоа меҳнат қилаётган бошқарма мажмуаларининг иссиқ сувга бўлган эътиёжини тўла қоплаш учун кифоя қилаяпти.

Эътиборлиси, мазкур лойиҳа бошқарма учун ойига ўртача 17 миң кВт/соат электр қувватини тежаш имконини бераётган.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бахт кошонаси

● Фаргона

Бешариқ тумани марказида "Бахт уйи" фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларига 1 миллиард 125 миллион сўм сарфланди.

Миллий ва замонавий меъморчилик аъналарини ўзида мужассам этган ушбу икки қаватли мажмуада фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими, давлат нотариал идораси ходимлари ҳамда мижозлари учун бир қатор қулайликлар яратилди.

— Турмуш ўртоғим Камолахон билан янги "Бахт уйи"да никоҳимизни расмийлаштирдик, — дейди Шоберди кишлоғилик Сардорбек Тоштемиров. — Бу шодиёна Соғлом она ва бола йилида ўтгани, биз учун бир умр ёдда қоларли воқеа бўлди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маданият марказидаги илк томоша

● Хоразм

Тумандаги "Хоразм Гранит" хусусий корхонаси жамоаси томонидан бунёд этилган янги маданият марказида рубоб, доира, ракс, ашулчилик ва бичиш-тиқиш йўналишида 8 та тўғрак фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, 270 ўринли томошалар зали мавжуд. Бу ерда 15 нафар малакали мутахассис фаолият кўрсатмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қўшалок шодиёна

● Қашқадарё

Косон туманининг Қуйи Оброн массиви аҳолиси учун Янги йил байрами қўшалок шодиёнага айланди. Гап шундаки, бу ерда намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган янги тураржойлар ўз эгаларига топширилди.

— Соғлом она ва бола йилини кўркам иморатда қаршилаганимиздан мамнунмиз, — дейди тadbиркор Таваккал Давронов. — Кўп йиллардан буён ҳовли-жой қуриш ниятида эдик. Мана, орзумимиз ушaldi. Ҳозир хонадонимизда барча қулайлик бор. Бу ердаги шарт-шароитлар шаҳардагидан асло қолишмайди.

2015 йил давомида вилоятда 1320 та оила ана шундай уй-жойларга кўчиб ўтди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КЎЗИМ ҚАРОҒИДАСАН, ВАТАН!

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мазкур ҳужжат асосида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, замонавий лойиҳалар асосида ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш, бундай тураржойларда юксак талаблар ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинаёпти.

Хусусан, 2015 йилда Ангрен шаҳрида МХХ Чегара кўшинларининг бир гуруҳ

ҳарбий хизматчилари 70 хонадонга мўлжалланган беш қаватли замонавий уйга кўчиб киришди. Нуробод кўрғонидаги мазкур шаҳарчада чегарачилар ва уларнинг оила аъзолари учун барча шарт-шароит мавжуд. Болалар майдончаси ҳам барпо қилинган.

— Ватан сарҳадларини қўриқлаш ўта масъулиятли вазифа ҳисобланади, — дейди сержант Ш. Бобомуродов. — Бу ҳар бир чегарачидан метин ирода, бурчга садоқат, юксак билимини талаб этади. Боз устига, аскар қулай шарт-шароитга эга бўлса, айти мудоаа. Демокриманки,

биз ҳам ўтган йилда шинам уйга эга бўлдик. Бундан, айтмиқса, турмуш ўртоғим, қизимнинг қувонганини айтмайсизми?! Бу ўз бурчимизни янада масъулият билан бажаришга ундайди.

Ўтган йили Зарафшон шаҳрида ҳам Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара кўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларига замонавий уй-жойлар топширилди. Қисқа фурсатда бунёд этилган ушбу янги иншоотларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Шу ҳудудда болалар майдончаси қурилгани эса уларни янада қувонтирди.

— Замонавий ва кўркам уйга эга бўлганимиздан жуда мамнунмиз, — дейди Чегара кўшинларида хизмат қилаётган Ф. Очиловнинг рафиқаси М. Очилова. — Буларнинг барчаси турмуш ўртоғимнинг уйи ва оиласидан хотиржам,

хизмат вазифасини юқори савияда бажаришида айти мудоаади.

Бўстонлик туманидаги 10 хонадондан иборат яқка тартибдаги замонавий уй-жойларга МХХ Чегара кўшинлари ҳарбий хизматчилари оилалари кўчиб кирганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Қораболоқ қишлоғида барпо этилган ҳарбийлар шаҳарчаси файзу таровати билан ажралиб туради. Бу ерда ҳам болалар учун майдонча мавжуд.

— Шинам уйга кўчиб ўтдик, — дейди кичик сержант Х. Бегимкулов. — Бундан турмуш ўртоғим Шахнозахон роса севинди. Чунки бу тураржой уй-рўзгор юмушларини ҳовлига чиқмасдан бажариш ва меҳмон қутишда жуда қўл келмоқда. Биз, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрлик учун давлатимиздан беҳад миннатдорمиз.

Мухтасар айтганда, кейинги йилларда МХХ Чегара кўшинлари сафида хизмат



қилаётган мард ва жасур ўғлонлар ҳамда уларнинг оилалари учун мўлжалланган кўплаб янги уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Пировардида улар сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида жонбозлик кўрсатиб хизмат қилмоқда. Зеро, чегара мустаҳкам экан, тинчлик ва оқойишталигимиз ҳамда қўлга киритаётган улкан натижаларимиз бардавом бўлади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



«Саҳро ганжинаси»

Яқинда Швейцарияда нашр этиладиган "Diva International Diplomat" журналининг навбатдаги сониди ана шундай сарлавҳа остида мақола чоп қилинди.

У журналхонларни жаҳоннинг энг номдор маданият масканларидан бири — мамлакатимизда жойлашган И. Савицкий номидаги давлат санъат музейи билан яқиндан таништирган.

Мақолада алоҳида таъкидланганидек, мазкур музей меъморий ва фольклор, халқ амалий санъати ҳамда Марказий Осиёнинг замонавий санъати экспонатларининг жуда катта мажмуғи эга.

Британиянинг "The Guardian" газетаси уни дунёнинг энг нуфузли музейларидан бири, деб атади. Бугунги кунда бу ерда қарийб 90 миң асар жойлашган. Улар орасида графика ишлари, картиналар ва ҳайкалтарошлик асарлари, минглаб тарихий топилмалар, тўқимачилик ҳамда заргарлик буюмла-

ри, кўна Хоразм тамаддунидан тортиб бугунги ўзбек ва қорақалпоқ расомларининг ижодини акс эттирадиган асарларга ҳам мавжуд.

ЭЪТИРОФ

Мақолада Игорь Савицкийнинг таржимаи ҳоли ҳамда унинг илғор мўйқалам усталари томонидан яратилган ижодий ишларни асраб қолишга қаратилган сазй-ҳара-

катларига алоҳида эътибор берилган. "Соҳа мутахассисларининг қайд этишларича, бу коллекциядаги кашфиётлар воларга ҳам санъат тарихини қайта ёзиш мумкин. Саҳро одамлари ва уларнинг маданиятидан илҳомланган И. Савицкий қорақалпоқ гиламларини, миллий кийимлар, қимматбаҳо заргарлик

буюмлари ва бошқа санъат асарларини зўр иштиёқ билан йиғишни бошлаган. Айти пайтда у расомларнинг Марказий Осиё билан боғлиқ асарлари ҳамда илғор рус мўйқалам усталари билан ҳам қизиқа бошлаган", деб ёзади журнал.

Журналда қайд этилишича, И. Савицкий ёндашувидаги энг ўзига хос жиҳат шундаки, у нафақат энг сара асарларни, балки тажриба тариқасида яратилган ижод намуналарини ҳам жамалаган. "Бунинг натижасида мазкур музей бугунги кунда расомларнинг индивидуал ривожланишини ҳамда ўша даврнинг илғор санъатини намоиш этаётган", дея ёзилади "Diva International Diplomat" журналида.

«Жаҳон» АА.
Женева



Юрт равнақиға муносиб ҳисса

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудиди бўлгани каби Қашқадарёда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

ТАНЛОВ

Хусусан, Президентимизнинг 2013 йил 25 июлдаги "Қарши шаҳрининг йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва қурилишининг истиқболли режасида дастури тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 февралдаги "Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс

чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорлари ижроси доирасида ўтган даврда воҳа марказида умумий қиймати 429,7 миллиард сўмлик, Шаҳрисабзда эса 339,5 миллиард сўмлик қурилиш лойиҳалари рўёбга чиқарилди.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги 2015 йилда янги ташаббусга қўл урди. Воҳада бунёдкорлик ишлари кенг қулоқ ёзаёт-

ганлиги учун "Йилнинг энг яхши қурилиш ташкилоти" кўрик-танловини ташкил этди. Яқинда ушбу танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда бунёдкорлик ишларида фидойилик кўрсатган буюртмачи, пудратчи, лойиҳалаш, қурилиш ташкилотлари ходимлари, архитекторлар ҳамда йўл, транспорт ва коммуникация тармоқлари вакиллари қатнашди.

Яқинда "Омад сервис", "Қарши капитал қурилиш" ва "Авона меъмор" корхоналари "Йилнинг энг яхши қурилиш ташкилоти" дея эътироф этилди.

М. АҲАДОВ.

СПОРТ

Ҳамюртимиз Жаҳонгир Воҳидов Англияда шахмат бўйича ўтказилган "Tradewise Hastings Masters" халқаро турнирида биринчи ўринни эгаллади.

Шахматчимиз халқаро турнир ғолиби

У тўққиз турдан иборат бўлган мазкур мусобақанинг олти партиясиди ғалаба қозонди. Хусусан, мезбонлар вакили Жэк Рудд, сербиялик Жовика Радованович, АҚШ шахматчиси Жастин Саркар, польшаллик Александр Миста, венгриялик Мате Баги ва Тамас Фодорни мағлубиятга учратди. Ҳиндистонлик Ви Картик ва германиялик Игорь Женкин билан дуранг ўйнади.

Шу тариқа Жаҳонгир етти очко жамғариб, муваффақиятга эришди.

Фазлиддин АБИЛОВ.

РЕКЛАМА

«FPI DELIVERY SERVICE» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ва камҳаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.

Мотокультиваторлар 6, 6,5 ва 9 от қучига эга. Дизель ва бензин ёнилғисиди ишлайди.



Махсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй (мўлжал: Юнусобод тумани, 1-сонли нотариал идора).
Маълумот учун тел.: (+99890) 176-81-45, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-42-17.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонионов.

Навбатчи — Д. Улуғмуродов.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.20 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 155 861 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатда маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

